



SPACEX
СООБЩИЛА,
КОГДА ПРИМЕРНО
ОЖИДАТЬ ЗАПУСКА
STARLINK В
УЗБЕКИСТАНЕ

5-бет.



МАРС
ПАРВОЗИГА
ЖУДА ОЗ
ҚОЛДИ

6-бет.



UZPOSTDAN
БОЛАЛАР
ХУРСАНД

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSAN SEN.

20 (1546)-son
20-may
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

ИНХАГА IT-форум ўтказилади

Жорий йилнинг 27 май куни университетда "Янги Ўзбекистон: ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги Ўзбекистон-Корея халқаро IT-форуми бўлиб ўтади.

Мазкур форумда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Корея Республикаси ETRI Электрон ва телекоммуникациялар илмий-тадқиқот институти, Geotwo Global Co Ltd, Joys Global, Global Optical Communication вице-президенти ва вакиллари иштирок этади.

Тадбирда мамлакатимизда Корея IT-ташкilotлари ўртасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ҳамкорлик истиқболлари, Ўзбекистон Республикасида IT-бозорида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, уларга ёшларни кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.



КЕНГ ПОЛОСАЛИ ИНТЕРНЕТ НЕЧА ПУЛ?

Бир ойлик кенг полосали интернет тўловига пул топиш учун мамлакатларда неча соат ишлаш керак? (ўртача ойлик маошдан чиқарилган)

- Нигерия – 33 соат 42 дақиқа
- Бразилия – 8 соат 24 дақиқа
- Филиппин – 7 соат 19 дақиқа
- Европа Иттифоқи – 2 соат 15 дақиқа
- БАА – 1 соат 56 дақиқа
- АҚШ – 52 дақиқа
- Хитой – 40 дақиқа
- Канада – 7 дақиқа



Манба: Statista



ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИ

Ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш имконияти

Бугун мамлакатимиздаги ОТМларда иқтидорли талабалар устоз ва мураббийлар ёрдамида ўз ёшларини ҳақиқий лойиҳаларга айлантира оладиган Инкубация марказлари очилмоқда.

Шундай замонавий марказлардан яна бири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ташкил этилди. Марказнинг очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматов, университет ректори С.Сафоев, IT-Парк ҳамда етакчи ОТМлар раҳбарлари, шунингдек, хусусий компаниялар вакиллари ва ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

OneWeb

Ўзбекистонга сунъий йўлдошли алоқа компанияси жалб қилинмоқда

Марказий Евроосиёдаги биринчи Space Technology Conference STC-2022 конференцияси доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ва Британиянинг OneWeb компанияси ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Меморандумда Ўзбекистон Республикаси бозорига кириш бўйича OneWeb компаниясининг геостационар бўлмаган сунъий йўлдошли алоқа тизими хизматлари билан боғлиқ бир қатор тадбирлар, шу жумладан, тартибга солиш масалаларини муҳокама

қилиш ва OneWeb сунъий йўлдошларидан фойдаланиш учун давлатнинг асосий эҳтиёжларини аниқлаш кўзда тутилган.

Меморандум доирасида "Ўзбеккосмос" агентлиги ва OneWeb компанияси инновацион паст орбитал сунъий йўлдош телекоммуникация тизимидан фойдаланиш масалалари бўйича экспертиза марказини ташкил этишга келишиб олдилар.

Томонлар чекка ҳудудлар ва бориш қийин бўлган қишлоқ аҳоли масканларини, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарни OneWeb алоқа сунъий йўлдошла-



ри орқали юқори тезликдаги кенг полосали интернет билан таъминлашни амалга ошириш учун зарур чораларни кўришга келишиб олдилар.



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12–13 май кунлари Фарона вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация 13 май кунини Туркменистон пойтахти Ашхободда ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи парламентларо форумида иштирок этди. Ташриф давомида Сенат раиси Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти, Абу Даби амираи Шайх Халифа бин Зоид Ол Нахаённинг вафот этгани муносабати билан таъзия билдириш учун 15 май кунини ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Абу Даби шаҳридаги Президент мажмуасида давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликларининг янги сайланган Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май кунини Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май кунини мамлакатимизга ташриф билан келган Шанхай ҳамкорлик ташкилати Бош котиби Чжан Минни қабул қилди. ШХТ доирасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустақамлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Ташкилотга раислиги давридаги асосий тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май кунини Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд кунини билан самимий муборакбод этиб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Қозоғистонга тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 май кунини товар-ҳомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Шерзод ШЕРМАТОВ АҚШ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов 18 май кунини АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулудда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблум билан учрашди.

2022 йилнинг 14 апрел кунини Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни минтақавий IT-марказга айлантириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан бери хорижий етакчи мутахассислар, IT-компаниялар вакиллари билан мулоқотлар янада кўпайди.

АҚШ элчиси билан учрашувда

ёшларни етакчи хорижий компанияларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш касбига, яъни аутсорсинг (ВРО ва КРО) хизматларини кўрсатишга ўргатиш, кейинчалик уларни иш билан таъминлаш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида масофавий хизматлар кўрсатиш аутсорсинг марказлари ташкил этилаётгани таъкидланди.

ВРО йўналиши бўйича АҚШдаги дунё миқёсидаги етакчи компаниялар билан музокалар олиб борилиб, улар республикамизга жалб қилинса, ҳар бир аутсорсинг марказида йилига камида 25та янги иш ўрни яратиш

ва ҳудуддаги IT-хизматлар экспортини ошириш мумкин.

Вазир ва элчи мулоқотида Ўзбекистонни минтақавий IT-марказга айлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, АҚШнинг етакчи IT-компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистонда IT-соҳани ривожлантириш, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш, халқаро тажриба ва илғор тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда электрон ҳукумат ва рақамли sanoatни янада ривожлантириш бўйича масалалар муҳокама қилинди.

ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИ

Ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш имконияти



Хозирги кунда рақамли технологияларнинг фаол ривожланиши бутун дунёда асосий тренд бўлиб турибди. Кўп мамлакатлар бу ўзгаришларнинг аҳамиятини тушуниб, ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратипти: улар давлат, жамоат, таълим ва бошқа жараёнларни комплекс дигитализацияга қаратилган миллий рақамли ривожланиш стратегияларини қабул қилмоқдалар.


– Бундай кенг қўламли ишлар ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш, муваффақиятли авлодни шакллантириш учун замин яратиш имконини бериши шубҳасиз, – деди АКТ вазири Ш.Шерматов маросимда. – Стартап учун навбатдаги марказни Ўзбекистоннинг энг нуфузли ОТМларидан бири – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида очмоқдамиз. Эндиликда Инкубация марказининг тажрибали ментор ва мураббийлари ёрдамида ЖИДУ талабалари мамлакат тараққиёти учун ижодий ва зарур бўлган стартап-лойиҳаларни яратиш бўйича

ўз малакаларини оширишлари мумкин ва бу каби “ёшлар тараққиёти учун нуқталар” мамлакат иқтисодиёти, кичик бизнес ва умуман IT-соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади”.

Инкубация маркази инновацион лойиҳалар устида самарали ишлаш учун барча зарур шароитларга эга. Давом этилаётган инкубация дастурлари саккизта модулни ўз ичига олади. Уларга лойиҳа имкониятларини ўрганиш, бозор ва маҳсулот таҳлили, бизнесни моделлаштириш, маркетингни илгари суриш ва бошқалар киради.


Келгусида Инкубация марказида консалтинг хизматларини кўрсатиш, танловлар, семинарлар, маҳорат сабоқлари, тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

Инкубация маркази очилиши доирасида IT-Парк ва ЖИДУ ўртасида келишув имзоланди, стартап-лойиҳалар тақдимоти ва ёш тадбиркорлар учун тематик семинар ўтказилди.



УНУТИЛМАС ШАРАФЛИ ЙИЛЛАР

Жорий йилда “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУКнинг ташкил этилганига 30 йил тўлди. Бу тарих силсиласида унчалик катта муддат эмас, аммо корхона жамоаси учун унутилмас йилларга айланди.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш тизимида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари “UNICON.UZ” ДУК зиммасига юклатилган. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар, нормалар, техник талаблар ишлаб чиқиш, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, концепциялар, турли куйи соҳаларни, фаолият доирасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, шуниингдек, янги технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Бундан ташқари, корхона фаолияти доирасига дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, ахборотни криптографик муҳофаза қилиш масалалари, илмий-техник журналлар нашр этиш, консалтинг хизматлари ҳам қиради.

Шуниингдек, “UNICON.UZ” ДУК телекоммуни-

кациялар техник воситаларини сертификатлаш, телекоммуникация объектиларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси, ахборот хавфсизлиги, электромагнит мослашув, нархни шакллантириш муаммолари каби йўналишлар бўйича ҳам фаолиятни амалга оширади, телекоммуникациялар, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида атамалар ва атамашунослик лугатлари ишлаб чиқади.

“ **ҲОЗИРГИ ВАҚТДА “UNICON.UZ” ДУКДА 184 НАФАР ХОДИМ МЕҲНАТ ҚИЛАДИ. УЛАР ТАРҚИБИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ХОДИМЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, БИР ФАН ДОКТОРИ, ЁН НАФАР ФАН НОМЗОДИ БИЛАН ТЎЛДИРИЛГАН.**

Ҳозирги вақтда “UNICON.UZ” ДУКда 184 нафар ходим меҳнат қилади. Улар таркиби юқори малакали ходимлар, шу жумладан, бир фан доктори, ён нафар фан номзоди билан тўлдирилган. Шуниингдек, ходимларнинг 28 нафари фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил тадқиқотчи сифатида фаолият юритади. Юздан ортиқ ходим олий маълумотга эга.

UNICON.UZнинг 30 йиллик юбилей тантанасига меҳнат фахрийлари таклиф қилинди. Унда АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос сўзга чиқиб, корхона жамоасини қутлуг сана билан табриклади ҳамда бир гуруҳ ходимларга вазирликнинг идоровий мукофотларини топширди. Ўз навбатида, корхонада узоқ йиллар ишлаган ТАТУ профессори, техника фанлари номзоди Рихси Исаев ва “UNICON.UZ” ДУК директори Махсум Махмудов жаммоа босиб ўтган шарафли йўл ҳақида сўз юритишиб, эзгу тилаклар билдиришди.

Тадбирда корхона фаолиятига бағишланган китобнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

ЗИЁЛИЛАР МАҲАЛЛАЛАР МАЪНАВИЙ ҲОМИЙСИ

Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижроси юзасидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, яқинда филиал профессор-ўқитувчилари томонидан Самарқанд вилояти Самарқанд туманининг бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида “Бир зиёли бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида маҳалла фаоллари, фуқаролари ҳамда ёшлари билан учрашувлар ўтказди. Учрашувлар кун тартибидан асосан Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2021 йилнинг 19 январь куни ўтказилган видео-селектор йиғилиши мазмун-моҳияти, унда тилга олинган масалалар ўрин олди.

Юқоридаги масалалар бўйича филиал профессор-ўқитувчилари сўзга чиқиб, маҳаллаларда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш кераклигини таъкидлашди.

– Бундай учрашувлар биз каби ёши улуглар зиммасига янада кўпроқ вазифалар юклайди, – дейди биз билан суҳбатда тумanning “Чаман” МФЙ Нуронийлар жамияти раиси Адаш ҳожи Халилов. – Мамлакатимиз тараққиёти, янги Ўзбекистоннинг равнақи учун амалга оширилаётган иш-лохотларда биз нуронийлар ҳам четда турмаслигимиз керак.

Шунингдек, учрашувлар давомида филиал ўқитувчилари томонидан маҳалла фуқаролари йиғинларидаги компьютер қурилмалари ва уларга ўрнатилган дастурий воситаларнинг созлиги, интернет тармоғига уланганлиги, вирусга қарши курашиш дастурлари текширилиб, камчиликларига амалий ёрдам кўрсатилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида ТАТУ Самарқанд филиали ахборот-кутубхона марказида жамланган бадиий адабиётлар ва бошқа турдаги ишда, амалиётда керак бўладиган кўплаб китобларнинг электрон нусхалари маҳалла фуқаролар йиғинларида тақдим этилди.

Филиал профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари сўнггида иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

Ал-Хоразмий-2022

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида физика, математика ва информатика фанлари бўйича “Ал-Хоразмий-2022” олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда олимпиаданинг онлайн тарзда ташкил этилган 1-босқичида юқори натижаларга эришган энг кучли юз нафар ўқувчи иштирок этди.

Олимпиада натижаларига кўра, тўққиз иштирокчи ғолиб деб топилди. Хусусан, физика фани бўйича Гурлан тумани 40-мактаб ўқувчиси Рустам Жабберганов, Урганч шаҳар 15-мактаб ўқувчи-

си Мирзабек Джолдошбоев, Шовот тумани Халқаро физика-математика мактаб-интернат ўқувчиси Жалолбек Шарифбоевлар, математика фанидан Боғот тумани 92-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Мақсадбек Эгамбердиев, Гурлан тумани 40-мактаб ўқувчиси Акбар Мадраҳимов, Хива тумани ўқувчиси Бекмирза Дурдиевлар, информатика фани бўйича эса ТАТУ Урганч филиали академик лицейи ўқувчиси Рўзимбой Бекчанов, Урганч шаҳар 11-мактаб ўқувчиси Абдулазиз Мирзаев, Янгиариқ тумани 11-ИМИ ўқувчиси Ферузбек Сапаевлар биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди. Тадбир якунида ғолиб ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари қимматбаҳо эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Таъкидлаш жоизки, олимпиада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали кўмағида ташкил этилди.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши ва жорий қилиниши рақамли технологиялар, смарт-технологиялар, сунъий интеллект, киберхавфсизлик каби тушунчаларнинг вужудга келишига олиб келди.



АКТ СОҲАСИДА АУДИТ

Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ривожланиш даражаларини аниқ мезон ва тартиблар асосида баҳолаш долзарблигича қолмоқда

Ахборот макони кенгайиб бораётган бугунги кунда ахборот технологияларининг жорий этилиши қай тарзда амалга оширилмоқда? Бу йўналишни ўрганиш стандартлари борми? АКТ жорий қилинганлик ҳолати бўйича қанақа механизмлар ва тамойиллар асосида ўрганишлар амалга оширилмоқда? Умумий қилиб айтганда, АКТ консалтинг хизматлари тушунчаси нима? АКТ аудити нима? Соҳада аудит ўтказишнинг халқаро тажрибалари қандай? Жамоат ва соҳа вакиллари олдидан турган муаммолар нимадан иборат? Бугунги мақоламизда ана шулар ҳақида фикр юритамиз.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида аудит, бу – АКТ инфратузилма, ахборот тизимлари, ташкилотнинг бизнес жараёнлари ҳолатини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир.

АКТ аудитнинг мақсади АКТ бошқарув тизимини такомиллаштиришдан иборат, яъни:

- АКТ жараёнларидаги хавфни баҳолаш;
- норматив ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам бериш;
- АКТ бўлиналарида АКТ бошқарув тизимини тўғри ташкил этилишида қўмаклашиш;
- автоматлаштирилган бизнес жараёнларни кенгайтиришга ёрдам бериш;
- ахборот тизимлари ва АКТ инфратузилмалардаги техник тўхталганлик мавжудлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тақлифлар ишлаб чиқиш;
- АКТдаги хавф-хатар (риск) ларни бошқаришда иштирок этиш.

АКТ консалтинг – ташкилотда ахборот технологияларидан фойдаланишни самарадорлигини мустақил эксперт баҳолаш имкониятини берадиган бизнес жараёнларни автоматлаштириш билан лойиҳага йўналтирилган фаолият тури.

Ахборот-коммуникация соҳасида консалтинг хизмати қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ташкилотда ахборот-коммуникация технологиялари лойиҳаларини амалга оширишда харажатларни оптималлаштириш;
- ташкилотнинг бизнес жараёнларидаги самарадорлигини ошириш;

ёнларидаги самарадорлигини ошириш;

- ягона АКТ инфратузилмани яратиш орқали ташкилотнинг бошқарувдаги шаффофлигини ошириш;
- ташкилот доирасидаги тизимлар (ERP, CRM, Business Intelligence, Groupware-тизимлари NIS-тизимлари)ни жорий қилиш.

АКТ консалтинг АКТ компаниялари ёки (одатда мураккаб лойиҳаларда) шунингдек, у ёки бу АКТ соҳасидаги мустақил экспертлар томонидан тақдим этиладиган хизматдир.

Бугун кунда юртимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, жамият ва давлат ўртасидаги шаффофликни таъминлаш, инсон омилидан воз кечган ҳолда халқаро тажрибаларга асосланиб қатор ишлар қилиняпти. Шу ўринда ахборот технологиялари соҳасида аудит ўтказиш, ташкилотларда АКТ инфратузилмаси, ахборот тизимлари, ахборот оқимининг ҳимояланган даражасини халқаро ва давлат стандартларига мутаносиблигини баҳолаш механизмлари бир қанча йўллар билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ривожланиш ҳолатларини баҳолашнинг ягона рейтинг тизимини жорий этиш орқали келгусида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш учун баҳолаш жараёнларини идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарали жорий этиш мақсадида 2021 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 373-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда давлат бошқарув органлари, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудларда рақамли трансформация ҳолатини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди. Бу ахборот-коммуникация технологияларини жорий этганлик ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш борасидаги

катта бир қадам бўлди. Ташкилотлар фаолиятида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларининг самарали ишлаши, бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, киберхавфсизлик тушунчалари ва давлат органларининг очиқлик ва ошкоралик принципларида фаолият олиб боришига замин яратди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ва “Киберхавфсизлик маркази” ДУКларга баҳолаш юзасидан ваколатлар берилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши соҳа ривожланишини янги босқичга олиб чиқишга олиб келади.

АКТ аудит жаҳонда ISACA, (IIA), ISO/IEC, IAASB (International Auditing and Assurance Standards Board), PCAOB, CobiT, ISA 401 ва қўллаб халқаро стандартлари талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу стандартлар умумий қилиб қуйидагиларни белгилайди:

- АКТ аудит мутахассисларига ҳос бўлган атамалар ва тушунчалар;
- ахборот тизимларида аудит ўтказишда аудит ўтказадиган мутахассисларнинг малакаси ва билимига қўйилган минимал талаблар;
- ахборот тизимларини аудитини ўтказиш ва аудиторлик ҳулосаси тайёрлашнинг асосий босқичлари;
- стандартларни қўллаб-қувватлайдиган тизимларни текшириш учун қўлланилган, иш дастурлари ва воситалар рўйхати.

Халқаро талабларга қўра, АКТ соҳасида аудит ўтказишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- сўровнома – бу инфратузилмани тўлиқ таҳлил қилиш, кейинчалик модернизация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашни ўз ичига олади. АКТ жорий ҳолати тўғрисида энг ишончли маълумотларни олиш. Ушбу турдаги аудит маълумотни йиғиш ва тўплашни ўз ичига олади;

- текширув мезонлари – бу маълум бир танланган мезонлар асосида тавсиялар яратиш билан маълумотларни қабул қилиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади; бу ташкилот ахборот тизимларининг хавфсизлиги, унинг ишлаши, фойдаланиш даражаси, умумий ишончлиги бўлиши мумкин; бунда вазифа АКТ хизматлари ишида фойдаланиладиган аппарат ва дастурий таъминотлар, хизмат кўрсатиш сифати, тизимларга техник хизмат кўрсатиш даражалари бўлиши мумкин;

- бизнес жараёнларнинг аудити – унда маълум бир бизнес жараёнлар учун фойдаланиладиган АКТ воситаларининг танланган мезонлар ва стандартларга мувофиқлиги даражаси таҳлил қилинади;

- комплекс аудит – ташкилот раҳбарияти АКТ инфратузилмаси фаолиятининг барча жиҳатларига аниқ баҳо беришни хоҳласа, уларнинг фаолияти эҳтиёжларига қандай жавоб бериши учун кенг қамровли аудит ўтказиши зарур.

Юртимизда АКТ соҳасида қўллаб-қўллашнинг амалга оширилишига қарамастан соҳа вакиллари олдидан долзарблигини йўқотмаётган масалалар ҳам бор.

Маълумки, ҳар бир соҳада аудит ўтказиш тартиби аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Аммо ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини баҳолаш мезонларини тартибга солувчи, соҳада муаммоларни тарафларини ўрганишда ягона ҳуқуқий асос йўқ. АКТ аудит фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг камлиги бу ўз ўрнида соҳанинг рақобатбардорлигини сўнишига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ҳамда маҳаллий давлат органларининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ривожланиш даражаларини аниқ мезон ва тартиблар асосида баҳолаш долзарблигича қолмоқда.

Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК мутахассиси

SPACEX СООБЩИЛА, КОГДА ПРИМЕРНО ОЖИДАТЬ ЗАПУСКА STARLINK В УЗБЕКИСТАНЕ

Спутниковый интернет Starlink заработает в Узбекистане ориентировочно в 2023 году, следует из интерактивной карты на сайте SpaceX.

Тема Starlink поднималась на космической конференции, прошедшей в Ташкенте на этой неделе. Гендиректор «Узбеккосмоса» обсуждал её с представителем SpaceX Беном МакУильямсом, а глава Мининфокома Шерзод Шерматов предложил компании открыть офис в Узбекистане.

По данным на карте, сейчас сервис доступен в 32 странах — в основном из числа развитых. В зону покрытия входит большинство стран Европы, юг Австралии, Новая Зеландия, а также большая часть территории США и Мексики, частично Канада, Чили и Бразилия.

В феврале 2022 года Starlink вне очереди запустили в двух странах. Тонга получила доступ после извержения вулкана, оборвавшего её подводный кабель, а Украину подключили после начала боевых действий со стороны России.

До конца нынешнего года Starlink должен заработать в Аргентине, Колумбии, Парагвае, Сербии, Боснии и Герцеговине, Албании, Нигерии, Мозамбике и Японии. В начале 2023 года он появится в Швеции, Норвегии, Финляндии, Исландии и некоторых других странах.

Глобальная система спутниковой связи Starlink строится с 2019 года, хотя тестовые запуски провели годом ранее. SpaceX планирует обеспечить пользователям доступ в интернет, используя сеть малых (весом до 500 кг) аппаратов на околоземной орбите.

Бета-тестирование работы Starlink летом 2020 года показало, что её скорость составляет от 11 до 60 Мбит/с. Илон Маск заявил, что она займёт «нишу между 5G и проводным интернетом».

Согласно плану, сеть должна была покрыть всю планету, кроме полюсов, в сентябре 2021 года. Однако, кроме физического сигнала, требуется разрешение от каждой страны.



ОБНАРУЖЕНО НЕОЖИДАННОЕ ВЛИЯНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫХ ИГР НА IQ РЕБЁНКА

Учёные проанализировали данные о времени, проведённом за экраном у 9855 детей в возрасте 9–10 лет из США. В среднем дети проводили 2,5 часа в день за просмотром телевизора или онлайн-видео, 1 час за видеоиграми и полчаса за общением в интернете.

Два года спустя учёные получили доступ к данным более чем 5000 детей из первого исследования. За прошедший период у тех участников исследования, которые сообщили, что тратят на видеоигры больше времени, чем обычно, наблюдалось увеличение IQ на 2,5 балла по сравнению со средним показателем.

Интеллект детей был проверен в задачах, которые включали понимание прочитанного, визуальную-пространственную обработку, проверку памяти, гибкости мышления и самоконтроля.

«Наши результаты подтверждают утверждение о том, что время, проведённое за экраном, как правило, не ухудшает когнитивные способности детей и что видеоигры действительно могут помочь повысить интеллект», — отметили исследователи.

КРУПНЕЙШИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ ПРОЦЕССОРОВ ДЛЯ СМАРТФОНОВ ПОЛУЧИЛ РЕКОРДНУЮ ПРИБЫЛЬ В АПРЕЛЕ

Глобальный спрос на чипы продолжает расти. TSMC, крупнейший в мире производитель полупроводников, на долю которого приходится более 50% производства чипсетов, используемых в смартфонах и других продуктах, отчитался о рекордной прибыли в апреле 2022 года.

Согласно новому отчёту, прибыль TSMC от продаж составила 172,56 млрд. новых тайваньских долларов (5,81 млрд. долларов США) в апреле 2022 года, установив новый рекорд для компании.

Для сравнения, предыдущий рекорд прибыли TSMC составил 172,18 млрд. новых тайваньских долларов (5,78 млрд. долларов США) в январе этого года. По сравнению с мартом 2022 года прибыль компании за апрель выросла на 0,3 процента, а по сравнению с апрелем 2021 года — на 55 процентов.

Аналитики не исключают возможности того, что TSMC сообщит об очередном максимуме продаж в следующие два месяца после апреля.

В ФЕРГАНЕ СОЗДАНО РЕГИОНАЛЬНОЕ ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ UZINFOSOM

В городе Фергана прошло открытие регионального подразделения UZINFOSOM по Ферганской области на территории Ферганского филиала ТУИТ.

В торжественном открытии принял участие Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов.

Для обеспечения реализации поставленных задач на совещании, со стороны главы государства 14 апреля текущего года был создан второй отдел в составе 16 специалистов. Основное направление работы заключается в развитии цифровизации и расширении доступа населения в регионах к государственным услугам и информационным системам!

В ходе церемонии открытия Министр ИКТ ознакомился с условиями, созданными для сотрудников UZINFOSOM.

Также было отмечено, что для того, чтобы сотрудники работали эффективно и результативно, необходимо повышать их навыки использования современных технологий.



ДЛЯ ТРУДОВЫХ МИГРАНТОВ ЗАПУСТИЛИ СПРАВОЧНЫЙ TELEGRAM-БОТ

Агентство внешней трудовой миграции разработало Telegram-бот для иностранных работников. Об этом сообщили в пресс-службе ведомства.

«Бот предназначен для граждан, желающих работать за границей, временно работающих за рубежом или возвращающихся домой из трудовой миграции», — говорится в сообщении.


С помощью бота можно узнать всю самую необходимую мигранту информацию, в том числе:

- доступные вакансии за рубежом;
- наличие или отсутствие запрета на выезд из Узбекистана;
- актуальное законодательство, правовая помощь мигрантам;
- информация о материальной и социальной помощи мигрантам и о поддержке их реинтеграции;
- адреса представительств агентства внутри страны и за рубежом (в России, Казахстане, Турции и Южной Корее), а также посольств и генконсульств Узбекистана;
- ссылки на важные для мигрантов онлайн-ресурсы.

Кроме того, через него можно напрямую связаться с сотрудниками агентства либо сообщить о коррупционных проблемах.

Telegram-бот Агентства по внешней трудовой миграции Узбекистана доступен по адресу @TMMA_uz_bot. Он работает на русском и узбекском языках.





SAMSUNG 6G ТЕХНОЛОГИЯСИНИ БОЗОРГА КИРИТИШГА ЯҚИН

Олтинчи авлод технологиясини бозорга киритишга яқин турган компаниялардан бири — Samsung Electronics техник хужжатлар тақдимотини ўтказди — “6G Spectrum: Expanding the Frontier” (“6G спектри: чегараларнинг кенгайтиши”).

Ижрочи вице-президент Сунхен Чой таъкидлашча, компания келажак технологиясини бозорга олиб кириши ва оммавий ишлаб чиқариш босқичига етиб келган.

6G стандартини жорий этиш учун “юзлаб МГц дан ўнлаб ГГц гача” диапазондаги каналлар керак.

Компания келгуси авлод алоқасининг қоплами сифатига жиддий эътибор қаратяпти. Шунинг учун 6G учун барча диапазонлар: 1 ГГц дан паст қуйи частоталардан тортиб 1-24 ГГц гача ўрта частоталар ва ҳатто юқори частотали 24-300 ГГц диапазонларда ишловчи олтинчи авлод стандартлари устида изланишлар олиб борилмоқда.

Samsung компанияси маълум қилишча, 6G да тезлик секундига 1 терабит-гача кўтарилиши мумкин, бу 20 Гбит/с тезлиқдаги 5G дан 50 баравар тезроқ.

КРИПТОМИЛЛИАРДЕРЛАРНИ СИНДИРГАН 60 КУН

Икки ойдирки — криптовалюталар бозорида пасайиш. Криптомиллиардерлар икки ойлик пасайиш даврида 49,1 миллиард доллар йўқотди, деб ёзди Forbes.

Миллиардер Уоррен Баффет: “Жаҳондаги жами биткоинларга 25 доллар ҳам бермайман”.

Баффетнинг фикрича, бу бемаъни актив ва фойда келтирмайди, унинг қиймати ўсиши учун навбатдаги харидор олдингисидан кўпроқ тўлаши лозим. Яъни молиявий пирамида. Қолаверса, АҚШ ҳеч қачон бошқа валюта доллар ўрнини эгаллашига йўл қўймайди.

Энг оммалашган криптовалюта — биткоиннинг нархи кескин пасайиши оқи-



батада сармоядорларнинг 40 фоизидан кўпроги манфийга тушди ва уларнинг аксарияти стратегиясини ўзгартириш пайида.

Дунёдаги энг бой криптоинвестор, Binance биржаси асосчиси Чанпэн Чжао 11 мартдан 11 майгача 37,6 миллиард доллар йўқотди, ҳозирги бойлиги — 27,4 миллиард.

FTX криптобиржаси ҳамасосчиси Сэм Бэнкман-Фрид 3 миллиард зарар кўрди, энди ихтиёрида 21 миллиард доллар қийматидаги криптовалюталар қолган. Coinbase асосчиларидан бири ва бош директори Брайан Армстронг 4,4 миллиард йўқотганидан сўнг ҳисобида 2,2 миллиард доллар қолди. Coinbase-нинг яна бир асосчиси Фред Эрсам 1,3 миллиард доллар билан бирга миллиардерлик мақомидан ҳам айрилди — 850 миллион долларлари бор.

МАСК TWITTER РАҲБАРИГА ШАРТ ҚЎЙДИ

SpaceX ва Tesla компаниялари раҳбари Илон Маск ижтимоий тармоқ раҳбари Парат Агравалдан сервис фойдаланувчилари аккаунтларининг 5 фоизидан кам қисми фейклиги ҳақида маълумот олмагунча Twitter хариди бўйича битим тугалланмаслигини билдирди.

“Фейк ва спам аккаунтлар 20 фоизни ташкил этиши ҳақида маълумот олдим, бу Twitter тасдиқлаганидан тўрт баравар кўп. Балки бундан ҳам кўпдир”, — деб ёзди Маск Twitter ижтимоий тармоғидаги саҳифасида.

16 май куни Агравал ижтимоий тармоқдаги фейк (сохта) аккаунтлар 5 фоиздан камлигини исботловчи далилларни тақдим этишдан бош тортиганидан сўнг, тадбиркор компания раҳбарига ана шундай оммавий ултиматум қўйди.


“Менинг биринчи таклифим Twitter АҚШ қимматбахо қўғозлар комиссиясига тақдим этган маълумотлар тўғрилигига асосланган эди. Агравал маълумотларни очикламас экан, битим тузилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”, — деди Маск.



МАРС ПАРВОЗИГА ЖУДА ОЗ ҚОЛДИ

SpaceX асосчиси Илон Маскнинг айтишича, компаниянинг сайёралараро Starship кемаси 3-5 йилнинг нари-берисида “қизил сайёра”га парвоз қилади.

“Парвоз муваффақиятли чиқса, ўйлайманки, Марсга экипажни ўн йилликнинг охиригача жўната оламиз”, — деди у.



Миллиардер Марс “туйнуклари” ҳар икки йилда очилишига ургу берди (ҳар 26 ойда Ер ва Марс ўзаро максимал яқинлашадиган палла).

Айрим маълумотларга кўра, SpaceX компанияси Starship кемасини Марсга шу йил ёзидаёқ учиртиришга уриниб кўради.

Халқаро ҳаёт

ҚОЗОҒИСТОНДА ЭНГ КОРРУПЦИЯЛАШГАН СОҲАЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ



Қозоғистон коррупцияга қарши курашиш агентлиги раисининг ўринбосари Улан Сарқуловнинг баёнотида кўра, мамлакатдаги ҳар бешинчи жиноят давлат харидлари соҳасида юз беряпти.

Давлат харидларининг бюджет харажатларидаги улуши 30 фоизни, Қозоғистон ЯИИМда эса тахминан 5 фоизни ташкил этади. Бу бозорга кучли иқтисодий таъсир дегани. Бюджет харажатларининг катта айланмаси давлат харидларининг коррупцион жозибдорлигини оширмақда, деди Сарқулов.

Таъкидланишича, 2020 йилдан 2022 йилнинг биринчи чорагига қадар 418та жиноят иши кўриб чиқилиб, 162 нафар шахсга ҳукм ўқилди. Таҳлиллар бу жиноятларнинг қарийб 80 фоизи бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва бажарилган ишлар учун қалбаки хужжатлар тайёрлаш ва давлат харидлари голиблиги учун пора бериш билан боғлиқ эканини кўрсатди. Давлат маблағларини энг кўп ўзлаштириш қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида кузатиляпти.

ФИНЛЯНДИЯ ВА ШВЕЦИЯ НАТОГА КИРИШГА АРИЗА ТОПШИРДИ

18 май куни Финляндия ва Швеция НАТОга аъзо бўлиш учун альянс қароргоҳида расман ариза топширди. Расмий жавоб бир неча ҳафта ичида бўлиши кутилмоқда.

Қоидаларга кўра, блокка янги аъзо қўшилиши барча иттифоқчилар бир овоздан маъқуллаши зарур. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, дипломатлар-

нинг фикрига кўра, ратификация жараёни тахминан бир йил давом этиши мумкин.

Аввалроқ, ОАВда Туркия ушбу иккала давлатнинг альянса қўшилишига қарши чиққани хабар берилганди.

ТУРКИЯ ФУҚАРОЛИГИНИ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ЎЗГАРДИ

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон янги фармонни имзолади. Фармонга кўра, хорижликлар 400 минг доллардан арзон бўлмаган кўчмас мулкни Туркияда харид қилишса, истисно тариқасида уларга мамлакат фуқаролиги берилади, дейилади Haberturk хабарида.



Янги фармон шартлари бир ойдан сўнг кучга киради. Илгари \$250 мингга кўчмас мулк харид қилган чет элликларга Туркия фуқаролиги бериларди.

БЕЛАРУС 16-18 МЛРД. ДОЛЛАРИК ЭКСПОРТ БОЗОРИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ



Беларус товарларининг Европа иттифоқи ва АҚШга экспорти тўлиқ тўхтади. Санкциялар оқибатида мамла-

кат учун Евроиттифоқ ва Шимолий Америка бозорлари ёпилганини Беларус бош вазири Роман Головченко AI Arabiya телеканалига интервюсида маълум қилди.

Бош вазирнинг айтишича, ушбу минтақаларга экспорт йилига 16-18 млрд. долларни ташкил этаётганди.

Аввалроқ Латвия Беларус билан 1994 йилда тузилган шартномани бекор қилганди, ушбу келишув Беларусга Болтиқбуйи мамлакати ҳудуди орқали ўз ҳарбий юкларини учинчи мамлакатларга етказиш имконини бераётганди.

РОССИЯДА ЯНА “МОСКВИЧ” МАШИНАЛАРИ ЧИҚАРИЛАДИ

Россиядаги собиқ “Рено Россия” заводида шу йилнинг ўзидаёқ “Москвич” машиналари чиқарилиши бошланади.



“Москва шаҳри ҳокимлиги собиқ “Рено Россия” заводи бошқарувини ўз қўлига олди, заводнинг эндиги номи — “Москвич” Москва автомобил заводи. Шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш бошланишини кутяпмиз”, — деди Россия савдо-саноат вазирлигининг автомобил саноати ва темирйўл машинасозлиги департаменти директори Денис Плак.

Франциянинг Renault компанияси “АвтоВАЗ”даги 68 фоиз улушини ҳамда Москвадаги заводнинг 100 фоиз улушини Россия ҳукуматида давлат мулки сифатида топширган.

Москва мэри Сергей Собянин аввалроқ тарихий “Москвич” бренди остида ички ёнув двигателли машиналар чиқарилишини айтганди, ҳатто келажакда электромобиллар чиқариш ҳақида ҳам уйлашяпти.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Азалий ҳикмат бор – дўст бошинга иш тушганда билинади. Айниқса, ҳаётингга ҳуқуқ-тартибот идоралари қизиқиб, ишинг терговга тушса, кўп яқинларинг ўзини четга олади. Иш жойинг эса “қорхона шаънини ҳимоя қилиш” мақсадида имкон қадар “мозийга қайтиб иш кўради”.

Навоий вилоят ИИБ бошқармасида ўн йил ишлаган Неъмат Каримовнинг ҳам тақдирига шундай кунлар битилган экан.

2011 йил унга нисбатан Қизилтепа туман прокурорининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланади. Шу пайтда эса Н.Каримов ишлаётган ташкилот – Навоий вилоят ИИБ Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи (2018 йил вафот этган) чақириб, ишдан бўшаш тўғрисида билдирги ёзиб беришни талаб қилади. Агар бош тортса, ўзига қийин бўлиши, ёзиб берса ташкилот шаънини ҳимоя қилиб ёрдам кўрсатишини уқдиришади. Хуллас, дўқ-пўписа, бақир-чақирлардан сўнг, Н.Каримовдан “қутулиш” аризаси олинади.

Жиноят иши эса жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судида кўрилади, Н.Каримов юқорида келтирилган “статьялар” бўйича жиноятни содир этганликда айбли деб топилади. Суд унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлайди.

2021 йил 25 октябрда эса Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ҳукмига асосан жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2011 йил 31 мартдаги Неъмат Каримовга нисбатан чиқарилган суд ҳукми бекор қилинади ва унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқланиб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат эгилди, лекин синмади, адолат қарор топди, бироқ ҳали чалароқ эди. Яъни, Н.Каримовдан ишдан бўшаш тўғрисидаги билдирги турли қистов ва таҳдидлар остида ёздириб олинган эди.

Н.Каримовнинг ишга тиклаш ва манфаатларига

Эълон!

етказилган моддий-маънавий зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо судида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонуларнинг қўлланиши ҳақида” ги 1998 йил 14 апрелдаги 12-сонли қарорининг 50-бандига кўра, судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозимлиги, меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмаслиги белгиланган. Ушбу қарорнинг 46-бандига кўра, низоларни кўришда меҳнат шартномаси бекор қилинишининг ёки бошқа ишга ўтказишнинг асослигини исботлаб бериш мажбурияти Меҳнат кодексининг 111-моддасига кўра иш берувчига юклатилишини назарда тутишлари лозим. Мазкур қарорнинг 15-бандига асосан судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги вазларини синчковлик билан текширмоқлари лозим.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан кўринишича, даъвогар Н.Каримов хизматдан бўшаш тўғрисида билдирги ёзган вақтида текшириш ҳаракатлари кетаётганлиги, шу сабабли ишхонасига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва ходимларни номига доғ туширмаслиги мақсадида жиноят ишини қўзғатишдан 2 кун олдин даъвогардан иш берувчининг қистови асосида билдирги ёзиб, шунга кўра ишдан бўшатирилганлиги аён бўлмоқда.

Шунингдек, даъвогар ишдан бўшган вақтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январ кундаги 16-сонли “Ички ишлар идоралари-

да хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом”нинг 71-бандига кўра, ички ишлар идораларидан ўз аризасига асосан бўшаш истагини билдирган сафдор ва бошлиқлар таркибидagi ходимлар бу ҳақда ўз бошлиғини камида 2 ой олдин ёзма билдирги орқали хабардор қилиши белгиланган. Лекин Навоий вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилоят Қўриқлаш бошқармаси) томонидан ушбу қонун талабига риоя қилинмасдан шомашошарлик билан асл ҳолат ўрганилмасдан туриб, даъвогар Неъмат Каримов томонидан ишдан бўшаш тўғрисида билдирги ёзилган куннинг ўзидаёқ уни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарилган.

Суд иш ҳолатлари ва юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар Н.Каримов ишдан бўшатилишида муваққат Низом талаблари бузилганлиги ҳамда даъвогар иш берувчининг қистови натижасида ёзган билдиргисига асосан ишдан бўшаганлигини, даъвогарни оқланганлигини, унга нисбатан бўлган жиноят иши ҳаракатдан тугатилганлигини, шуларга асосан хизматдан асосиз равишда бўшатирилганлигини инобатга олиб, Навоий вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилоят Қўриқлаш бошқармаси) нинг 07.02.2011 йилдаги 5-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топишни ва даъвогарни аввалиги вазифасига ишга тиклашни лозим деб топди. Суд даъвогар Н.Каримовнинг ўтган даврга иш стажини қўшиб ҳисоблаш ҳақидаги талаби судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли, ушбу талаб иш юритишдан суд ажримига асосан тугатилди.

Шерали ОЧИЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо суди судьяси

50 ёшингиз муборак

Шукроналик

Данияр Исламов “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Сирдарё филиалининг Оқолтин туман телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси. Мазкур вазифада 2007 йилдан буён ишлаб келмоқда.



У 1995 йили Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Алоқа соҳасидаги фаолиятини 1996 йили Сардоба туман электралоқа тармоғида электромеханикликдан бошлаган. Ҳозирги кунда Оқолтин туман маркази ва унинг таркибидagi ҳудудларда яшовчи аҳолига GPON технологияси асосида телекоммуникация хизматларини тақдим этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Инфратузилма объектларини телефонлаштириш ва юқори тезликдаги интернет хизматлари билан таъминлаш лойиҳаси асосида 18та умумтаълим мактаби, 10та мактабгача таълим ва 9та соғлиқни сақлаш муассасалари, 12та маҳалла фуқаролар йиғини ва коллежларга оптик тола тортиш ҳамда юқори тезликдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этишда фаол қатнашиб келмоқда.

Соҳадаги 35 йиллик фаолияти давомида бир қанча шогирдларни етиштирган, ҳозирда ҳам ёш мутахассислар билан ўз билим ва тажрибаларини ўртоқлашади. Жамоада нафақат билими кучли, интизомли ва малакали мутахассис, балки яхши инсон сифатида ҳам алоҳида ҳурматга эга. От ўрнини той босар, деганларидек, ўғли Тимур ҳам ота касбини давом эттирмоқда.

Яқинда Данияр Исламов муборак 50 ёшни қаршилади. У алоқачилик касбини танлаганидан доим шукронада.

Тадбир

Ислom цивилизацияси маркази

Халқимизнинг бой меросини намоён этадиган илмий-маърифий маскандир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда Ислom цивилизацияси марказини ташкил этиш гояси халқимизнинг узок йиллик орзуси, қолаверса, дунё мусулмонлари учун юксак ҳурмат ва эҳтиромни бўлди.

Ҳўш, Ислom цивилизацияси марказининг фаолияти, мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Муҳаммад ал-Хоразмий номидagi Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислom цивилизацияси маркази фаолияти билан танишишга доир ўтказилган семинарда шулар ҳусусида сўз борди.

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази вакиллари Ҳ.Самсакова, И.Маматов, Ш.Пўлатов, Н.Мирзаев ва В.Деҳқанбаева таклиф этилган тадбирда Ислom цивилизацияси марказининг асосий фаолияти муқаддас ислom дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидagi ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш, Ўзбекистонда юз берган умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдиэлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолисига етказиш, буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб боришдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда хаттоглик санъати, араб ёзуви турлари ва марказ биносининг порталлари, алломаларнинг ислom дини ҳамда фанга қўшган ҳиссалари ва миллий реестр юритиш, қўлёзмаларни асраш, реставрация ишлари, марказ кутубхонаси ва архиви фаолиятига оид маълумотлар слайдлар орқали тақдим қилинди.

Аҳамиятли жиҳати, тадбир жараёнида хаттоглик санъати бўйича намуналар кўрсатилди. Қизгин савол-жавоблар семинарни кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИРОМ ТАНТАНАСИ

“Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғла-маси техник хизмат ва паспортлаштириш гуруҳи олий тоифали муҳандиси Рўзиҳожи Назаров вазирлигимизнинг “Ўз касбининг устаси” кўкрак белгиси билан тақдирланди...” Касб байрамига бағишланган йиғилишда ушбу хушхабар эълон қилинди. “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали директори Владимир Ежков давомли қарсақларга беихтиёр ўзи қўшилди: “Чиндан энг муносиб номзод. Ҳаммамизга муборак бўлсин”.



Ўша кун қаҳрамонимиз Тошкентда, эъзоз ва эҳтиром тантанасида эди. Қайтгач, ҳамкасблару шогирдлар табриқларга кўмиб юборишди. Мен бўлсам унга қатор саволларни тайёрлаб қўйгандим.

– Агар касбингиз сизни қизиқтирса, оилавий ва ижтимоий масалаларда жамиятдан орқада қолмай, баркамол фарзандларни элга қўшаи десангиз, турган гапки, бир эмас, балки бир неча хунарнинг бошини тутар экансиз, – дейди устоз Назаров. – Мен соҳамизнинг ҳамма жабҳаларида ишлаб чиққанман. Электромеханик, муҳандис, техник хизмат ва паспортлаштириш бўлими бошлиғи, АТС муҳандиси, шаҳар телефон тармоғи цехи бошлиғи, диспетчер... Акс ҳолда олий тоифали муҳандис бўла олмасдим. Тўхтовсиз билим олиш, уни муттасил ошириб бориш, фикрлаш, малака ҳосил қилиш, тажриба ўрганиш... Ёшлигимдан атрофимдагиларни кузатар эканман, касби учун жонини фидо қилишга сира эҳтиёжи йўқларни ҳам кўрдим. Аксинча, умрини соҳа равнақига бахшида этиб, яхши ном билан ўғиб кетганларни ҳам кўрдим. Тафаккур қилдим, хулоса ясадим. Намуна бўлайки, соҳамда мендан бир ёруғ из қолсин. Лекин бу хулосага келгунча, анча-мунча синовлардан ўтганим рост. Ёшлик ўйин-кулгулари, дўсту ошнолар билан дийдорлашув, ҳангомалашувлар тез фурсатларда унутилгани ҳам ҳақиқат.

– Қарангки, машаққатларнинг мукофоти кўп экан. Касбда камол топиш, эътироф ва эътибор қозониш деган. Тўғрими?

– Ҳа. Чиндан ҳам бир нимадан кечсангизгина нимагадир эришасиз. Отамни Исроилюкжа Назаров “қирқ йиллик алоқачи” деб эслаб тури-

шади. Беадад шукрки, ота касбини олибман. Худо кам қилмади. Зиёда қилди. Васиятларини адо этиш насиб бўлганидан, алҳамдулилла, қувонаман, – давом этади Назаров. – Мени мен қилган отам эди. Иш-хонасида алоқа техникалари, кўплаб ускуналар, темир-терсақлар ичида катта бўлганман. Менинг касбинми эгалла, келажаги зўр, деб ўзи ўқиган Тошкент алоқа политехникумига бошлаб борган. Билим ол. Одамни кўкка кўтарадиган нарса бу – илм, ҳеч ким эга чиқолмайдиган хазина, деб қайта-қайта уқтирган ҳам отам – биринчи устозим бўлади. Ўқида-ги домлаларим Тошматов, Ғисовлар эди. Ишга кирганимда бошимни силаган, йўл-йўриқ кўрсатган Аббос Агзамов, Михаил Хайруллин, Абдурашид Мамасодиқов, Алижон Қабуловлар, кўчага опчиқиб монтерликни ўргатган Раҳим ака Субхонбердиев... Улар мен учун бебаҳо устозлар. Улардан чексиз миннатдорман. Ҳамиша дуодаман. Ўзим ҳам улар каби ғамхўр устоз бўлишга интилдим. “Устоз” деб ардоқловчиларим бори га шукр. Омон бўлишсин.

Сухбатимизга шу гуруҳ муҳандиси Нарғизахон Ҳасанбоева қўшилади: “Шаҳардаги телекомчиларнинг ярми, жумладан, мен ҳам Рўзиҳожи Назаров ақанинг шогирдиман. Хайрон бўлманг, барчамиз устозни Рўзиҳожи ака деб қақирамиз. Рўзиҳожи Назаров десангиз, у ким, десалар, таажужубланманг. Оилавий масалаларда ҳам оталарча маслаҳатлари, ўғитларига суянамиз. Ажойиб хислатлари бор. Ёш эмасманку, демайди, энг замонавий станцияларни ҳам хаш-паш дегунча ўрганиб олади. Солиҳ амаллари, тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан ҳам ҳаммамизга ибратлар”.

– Станцияларнинг ишлаш принципи бир хилда, – дейди камтарлик

билан қаҳрамонимиз. – Декадали одимловчи станцияда ҳам, координатлида ҳам, квазиэлектронда ҳам ишладим. Кейинги барча станцияларни ҳам кўрдим. MSAN, GPON технологияси, OLT қурилмаси... Яна янгилари келса, қанийди, уларни ҳам ўргана олсам керак. 1994 йилда устоз Абдувоҳид Жўрабоевнинг ташаббуси, журъати билан республикада биринчи бўлиб Фарғона вилоятига электрон АТСлар кириб келган кунлар ниҳоятда тантанавор кечган. Янгиларни тез билиб олишга бениҳоя иштиёқманд эдик. Жанубий Қораянинг “ДЭУ Телеком” фирмаси мутахассислари билан станцияларни ўз муддатида ишга тушириш учун кеча-кундуз баҳамжиҳат ишлаганмиз. Ушанда энг мўъжизавий янгиланиш бўлганди. Энди-чи, энди кунма-кун ўзгаришлардан сония сайин ўзгаришларга ўтиб олдик. Бу тақомиллашувлар бундан буён чексиз давом этаверади. Шунинг учун баъзан ёшларга қаттиқ-қуруқ гапираман. Ўрган, ўрган дейман, меҳрингни бериб ишла, юклатилган вазифаларинг сени кутиб қолмасин, бажар, дейман...

Хуллас, Назаровлар сулоласи давом этмоқда. Рафиқаси Илтимосхон ҳам салкам 30 йиллик муҳандис. Қизлари Олмахон кросс электромеханиги, ТАТУ Фарғона филиалида сиртдан таҳсил олмоқда. Куёви Элёрбек Розигалиев ҳам техник кўмак муҳандиси бўлиб танилган. Назаровларнинг кичик авлоди ҳам алоқа техникалари ичида улғайишмоқда. Улар Ўзбекистонимизнинг АКТ соҳаси олимлари бўлиб камолга етсалар ажаб эмас.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ҳомийлик


UZPOSTдан БОЛАЛАР ХУРСАНД



Пойтахтимиздаги 442-сонли “Nilufar” давлат кўптармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида UzPost ҳомийлигида ўрнатилган янги болалар ўйингоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тарбияланувчи болажонлар ўз чиқишлари билан тадбирни очиб беришди. Айниқса, “Marvarid” рақс ансамблининг мусиқали намойишлари барчада катта таассурот қолдирди. Тадбирда муассаса раҳбари Гулшода Сабирова UzPost жамоасига кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Мазкур муассаса имконияти чекланган, заиф ёшитувчи, рухий ривожланиши чекланган ҳамда нутқида оғир нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда 64 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олмақда.



MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.
Navbatchi: Rashid BAKIROV.



ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Xabar

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TECHNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinsbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi.
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar” dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

G-559 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3167

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg'onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99